

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЕВА ШАХНОЗА ЛУТФУЛЛАЕВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Убаева Шаҳноза Лутфуллаевна

Тижорат банклари барқарорлигини самарали бошқариш
механизмини такомиллаштириш 3

Убаева Шаҳноза Лутфуллаевна

Совершенствование механизма эффективного управления
устойчивостью коммерческих банков 25

Ubaeva Shanoza Lutfullaevna

Improvement of the mechanism of effective sustainability
management of commercial banks 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЕВА ШАХНОЗА ЛУТФУЛЛАЕВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ахунова Гулчехра Назаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail:tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Махкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда дунёда молиявий асосий воситаларнинг қиймати 218 триллион америка долларини ташкил этади ва йиллик глобал жамғарма 22 триллион долларга тенг. (Барқарор ривожланишни молиялаштириш бўйича экспертларнинг давлатлараро комиссияси, 2014 йил). Бу маблағларнинг асосий қисми ривожланган мамлакатларга тегишли ва улар паст қайтим келтиради. Ушбу жамғармаларнинг бир қисми иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли инвестиция тарзида сарфланиши мумкин эди.¹ Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган, рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг муаммоларидан бири иқтисодиётнинг қон оқими сифатида хизмат кўрсатувчи банк тизимини барқарор ривожлантиришдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш, унда молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, капиталлашув ва ликвидликни ошириш борасида олиб борилган ислохотлар самарасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Айниқса, кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва молия бозорларини таҳликали ҳолатга келтирган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республика банк-молия тизимида кузатилаётган барқарор натижавийлиги, шу жумладан, тижорат банклар тизими капиталлашув ва ликвидлигининг сақлаб қолиниши олиб борилган ислохотларнинг амалий натижасидир. Маълумки, жадал ислохотлар шароитида республика молия тизимининг муҳим бўғинларидан бири бўлган тижорат банкларни самарали ва барқарор фаолият юритиши мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттириш ва унинг пул-кредит сиёсатини самарали ташкил қилиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066 қарорида иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижорат банклари бошқарув тизимини давр талабларига мос равишда олиб бориш ва тижорат банклар фаолияти барқарорлигининг жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беришини талаб этади.

Жаҳонда тижорат банклари барқарорлигини самарали бошқариш механизмини такомиллаштиришга оид муаммоларни илмий асосда ҳал этиш юзасидан илмий изланишлар давом эттирилмоқда, жумладан, банкларнинг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, кредитлаш механизмини такомиллаштириш, ҳар тоифадаги риск даражасини пасайтириш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, банк таваккалчилигини баҳолашни такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назоратнинг замонавий тамойиллари ҳамда

¹ www.unctad.org

механизмларини жорий этиш каби тадбирлар тижорат банклари амалиётида самарали бошқарув тизимини қўллашни долзарб масала қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар банк менежменти ҳамда уларни такомиллаштириш муаммолари хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар Дж.Сийнки, У. Кох, П.С.Роуз, Ф. Котлер, Э.Рид, Э.Лувилен ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Маҳаллий ва МДХ иқтисодчи олимлар бу масала билан доимо шуғулланиб келади. Жумладан, тижорат банклари фаолиятида менежментнинг тамойиллари ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишлари хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар В.М.Усоскин, Е.Ф.Жукова, И.В. Ларионова, И.Т. Балабанов, О.И. Лаврушина, Ю.Н. Лапънин ва Ю.А. Маленковнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.²

Ўзбекистон олимлари бу масала билан республика тижорат банклари фаолияти, уларнинг вазифалари ва тижорат банклари ривожланишини бошқаришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари, ушбу тизимдаги мавжуд муаммолар иқтисодчи олимлар Б.Т.Бердияров, В.А.Котов, И.Л.Бутиков, Н.Х.Жумаев, О.Б.Саттаров, О.Қ.Абдурахманов, Р.Т.Турсунов ва Р.Р.Тожиевнинг³ илмий ишларида тадқиқ қилинган. Миллий банк тизимида

² Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. Изд.4, стереотип. URSS. 2014. 328 с.; Синки Дж.Ф., Управление финансами в коммерческих банках : Пер. с англ. 4-го изд. / Джозеф Ф. Синки, мл. - М. : Catallaхu, 1994. - XXV, 937с.; Жукова Е.Ф. - М.: ЮНИТИ-ДАНА: Единство, 2006. - 575 с.; Тимоги У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти томах (книгах), 6-ти частях. - Уфа: Спектр. Часть 1, 2003. - 112 с.; Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. - М.: Консалтбанкир, 2003. - 272 с.; Банковское дело: учебник для студентов вузов, обучающихся по экон. спец. / Под ред. Балабанов И.Т. Банки и банковское дело. - Санкт-Петербург: Питер, 2002. - 304 с.; Банковский менеджмент: учебник / кол.авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. - 3 - е изд., перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2010. - 560 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. БМА.М.:Дело-ЛТД.1995.-743 с.; Котлер.Ф. Основы маркетинга. Краткий курс.: Пер. с англ. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2010. - 656 с.: ил.; Рид Э. Коммерческие банки. - М: Прогресс, 2006.- 261 с.; Маленков Ю.А. Стратегический менеджмент: учеб. - М.: Проспект, 2009. - 224 с.

³ Бердияров Б.Т.Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: БМА. 2002. – 21 б.; Котов В.А. Организация

банк маркетинги ҳамда бошқарув жараёнларида молиявий менежментни қўллашнинг айрим илмий назарий йўналишлари эса А.Ш.Бекмуродов, Б.З.Мустафаев, Б.К.Мирзамайдинов, М.Насритдинова, М.М.Абдурахманова ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Аммо мамлакатимиз тижорат банкларининг иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларидаги фаоллиги ва барқарорлигини бошқаришнинг назарий ва амалий йўналишлари кам ўрганилган муаммо ҳисобланади. Бизнинг илмий изланишимизда айнан ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан назарий фикрлар, услубий ёндашув ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник, технологик қайта жиҳозлашда, иқтисодийнинг етакчи тармоқларининг тезкор янгилашда инновацион маркетинг ва менежмент концепцияларидан фойдаланиш методологияси» мавзусидаги илмий йўналиши доирасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларида замонавий менежмент усуллари қўллаш орқали уларнинг самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банклар фаолияти барқарорлигини самарали бошқариш механизмини татбиқ этиш асосида такомиллаштиришни банклар хизматлари ҳуқуқий-меърий асослари, инновацион бошқарув усуллари қўллаган ҳолда ривожлантиришни қиёсий таҳлил қилиш;

тижорат банкларида рискларини ўлчаш ва мониторинг қилиш, банк хизматлари бозорида дифференциация ва фаолият даври диверсификациясини такомиллаштириш;

банк хизматларини ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлашда хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда самарали бошқарув механизмининг республика банкларида балансдан ташқари фаолиятларни кенгайтириш эвазига такомиллаштириш;

рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007.; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2008.; – 224 с.; Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т.: Молия, 2010. – 160 б.; Сатторов О.Б. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, БМА, 2008. – 21 б.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг инновацион стратегияси.(«Агробанк»ОАТБ мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: ТДИУ, .2011. Бекмуродов А.Ш., Турсунов Р.Т. Халқаро бизнес. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009. – 233 б.; Мустафоев Б.З. Банк маркетинги-молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: ТДИУ.1998.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги.(Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: ТДИУ.2008.; Насритдинова М. Бизнес стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 1996. – 80 б.; Абдурахманова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: ТДИУ.2010.

«Давр банк» хусусий акционерлик тижорат банки барқарорлигини таъминлаш механизмини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда стратегик истиқболни белгилаш сценарияларини ишлаб чиқиш;

тижорат банклар тизимини банклараро муносабатлар механизми ва улар фаолиятининг ишончлилиги, барқарорлигини ошириш эвазига ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритатаётган тижорат банклари ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш механизми олинди.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш механизмига оид иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда дедуктив ва индуктив, илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, корреляция ва регрессия, монографик тадқиқ этиш, ижтимоий сўров ўтказиш, таққослаш, иқтисодий-математик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари барқарорлигини бошқариш механизми, стратегиялари, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари такомиллаштирилган ва уларга хос инновацион хизмат турларини жорий этиш асослаб берилган;

ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг фаолияти ўрганилиб келгусида «контракт банклар» равнақи, банк маҳсулотлари ва хизматларининг янги турларини яратиш ва уларни диверсификациялаш имкониятлари аниқланган. Рискларни баҳолаш ва банкларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган янги усуллар: DEA (Data Envelope Analysis) ва CAMEL (Capital, Assets, Management quality, Earnings and Liquidity) таклиф этилган;

тижорат банкларида чизиқли, логарифмик-чизиқли иқтисодий-математик моделлаштириш ёрдамида барқарорликни таъминлайдиган (банк капиталлашув даражаси, активлар сифати, менежмент сифати, соф даромадлар даражаси ва ликвидлик даражаси каби) омиллар аниқланиб, балансдан ташқари фаолиятдан келувчи даромадни ошириш механизмлари таклиф этилган;

тижорат банклари менежменти сифатини рейтинглаш, банк хизматлари ва маҳсулотлари бозорининг мувозонатини таъминловчи оптимал қарорлар қабул қилиш методологияси маржинал даромад ва маржинал харажатларни ҳисоблаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари барқарорлигини таъминлашни инновацион бошқарув механизми ва технологияларини қўллаш натижасида банк барқарорлигини самарали бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

тижорат банклари операциялари ва хизматлари бошқаруви барқарорлигини оширишда банк бизнеси риск даражасини пасайтириш, банкларнинг

капиталлашув даражасини ошириш, халқаро муқобил рейтингини кўтариш бўйича муаллиф яратган илмий ишланмалар амалиётда қўлланилди;

тижорат банклари операциялари ва хизматлари барқарорлигини оширишда унинг қиёсий самарадорлигининг асосий миқдорий мезони сифатида ўртача ва маржинал концепция усулининг қўлланиши банк бизнеси ва хусусий тадбиркорликда рискларни пасайтириш ва самарадорликни оширишга йўналтирилган илмий тавсия ва амалий таклифлар яратиш имконини яратди; тижорат банклари фаолияти барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф этилган услубий ишланмаларда банк хизматлари ҳажми, фоиз ставкаси, ўртача ва маржинал харажатлар ҳақида қарорлар қабул қилиш, инвестиция лойиҳаларини банкларнинг кредит маблағлари эвазига молиялаштириш имкониятларини яратди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги ва илмийлиги, берилган илмий-услубий тавсиялар ҳамда яратилган ишланмаларнинг расмий ташкилотлардан олинган маълумотларга асосланганлиги, уларни математик –статистик ишончилик интервалида текширилганлиги ва уларни аниқликдан четланиш интервали статистика қонунларида келтирилган ишончилик талабига жавоб бериши аниқланганлиги ва амалиётга жорий этиш учун таклиф этилганлиги, уларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тан олинганлиги ва амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда тижорат банклари барқарорлигини бошқариш ва ривожланиш генезисининг муаллиф томонидан янгича талқин этилиши, «банк тадбиркорлиги» менежмент категориясини жорий этишнинг асосланиши, уларнинг миссияси, истиқболи, мақсади, вазифалари, стратегия ва тактикалари ҳамда самарадорлиги, банк ривожланишида «дарвинистик ғоя»нинг илгари сурилиши, банкларнинг яшовчанлиги, уларнинг инновация ва янгиликка мойиллик даражасига боғлиқлигининг тасдиқланиши, ҳамда республика тижорат банклари, жумладан, «Давр банк» мисолида банк рентабиллиги ўртача даражасининг пасайиш тенденцияси исботланишидир. Бу ғоя ва ишланмалар банкларнинг барқарорлигини бошқаришга оид тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва таҳлилини чуқурлаштириш, таъсир этувчи омилларни синтезлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоя ва услублар тижорат банклари операцияларини ташкил этиш, бошқариш ҳамда ривожлантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, таҳлилий маълумотларини иқтисодий олий таълим муассасаларида «Банк иши», «Банк менежменти» каби фанларни ўқитиш жараёнларини услубий таъминлашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари барқарорлигини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жадал ислохотлар шароитида Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари барқарорлигини бошқариш механизми, стратегиялари, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари такомиллаштирилган ва уларга хос янги инновацион хизмат турлари «Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк» амалиётига жорий этилган («Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банкининг 2017 йил 12 декабрдаги 4560/ч-54/1-17-сон ва акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк»нинг 2017 йил 15 декабрдаги 01-1/5160-сон маълумотномалари). Натижада банкнинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси ва тактикаси аниқ белгиланган, инновацион бошқарув технологияларини қўллаш асосида тижорат банкининг бошқарув тизимини такомиллаштириш учун менежментнинг янги самарали концепциялари жумласига кирувчи «севен ес», «бизнес ғилдираги» сингари тамойиллар бошқарувга жорий этилган. Натижа 2017 йилда «Давр банк»нинг трансакцион харажатлари 2016 йилга нисбатан 10,5 фоизга ва «Инфинбанк»нинг трансакцион харажатлари эса 9,5 фоизга камайган;

ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг фаолияти ўрганилиб, келгусида «контракт банклар» равнақи, банк маҳсулотлари ва хизматларининг янги турларини яратиш ва уларни диверсификациялаш имкониятлари аниқланган, рискларни баҳолаш ва банкларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган янги усуллар: DEA (Data Envelope Analysis) ва CAMEL (Capital, Assets, Management quality, Earnings and Liquidity) «Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк» амалиётига жорий этилган («Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банкининг 2017 йил 12 декабрдаги 4560/ч-54/1-17-сон ва акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк»нинг 2017 йил 15 декабрдаги 01-1/5160-сон маълумотномалари). Натижада макон ва замон миқёсида банкларнинг самарадорлигини баҳолаш ва бошқа банклар билан уни таққослаш имконияти яратилган. Тавсия этилган усуллар ёрдамида банк менежментининг 2010 - 2017 йиллардаги бошқарув самарадорлиги таққосланган ва у «Давр банк»да 13,2 фоизга ва «Инфинбанк»да эса 14,5 фоизга ошганлиги кўрсатилган. Бу эса банк соҳасида харажатларни пасайтириш, банкка аҳолининг ишончини ошириш чора-тадбирларини белгилаш имконини яратган;

ривожланган мамлакатларнинг тижорат банклари барқарорлигини бошқариш тажрибаси тизимли таҳлил қилиниб, тижорат банкларида иқтисодий-математик моделлаштириш ёрдамида барқарорликни таъминловчи омиллар аниқланиб, балансдан ташқари фаолиятдан даромадни ошириш механизмлари таклиф этилган ва улар «Давр банк» хусусий

акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк» амалиётига жорий этилган («Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банкининг 2017 йил 12 декабрдаги 4560/ч-54/1-17-сон ва акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк»нинг 2017 йил 15 декабрдаги 01-1/5160-сон маълумотномалари). Натижада иқтисодий-математик модель ёрдамидаги таҳлилга кўра, «Давр банк»нинг асосий банк операцияларига нисбатан балансдан ташқарида бажарилувчи фаолиятдан 15,5 фоиз ва «Инфинбанк»да эса 12,4 фоиз кўп даромад олишга эришилган;

тижорат банклари менежменти сифатини рейтинглаш, банк хизматлари ва маҳсулотлари бозорининг мувозонатини таъминлановчи оптимал қарорлар қабул қилиш методологияси маржинал даромад ва маржинал харажатларни ҳисоблаш асосида такомиллаштирилган ва улар «Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк» амалиётига жорий этилган («Давр банк» хусусий акциядорлик тижорат банкининг 2017 йил 12 декабрдаги 4560/ч-54/1-17-сон ва акциядорлик тижорат банки «Инфинбанк»нинг 2017 йил 15 декабрдаги 01-1/5160-сон маълумотномалари). Натижада банк бошқарувида ахборот коммуникация технологиялари ва математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланиш ҳисобига 2017 йилда жорий харажатлар «Давр банк»да 16 фоизга ва «Инфинбанк»да 11 фоизга камайган ва даромадлар эса кўшимча ресурс жалб этмаган ҳолда мос равишда 14,2 ва 19,2 фоизга кўпайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотномалар берилган.

Диссертациянинг «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банклари барқарорлигини бошқаришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида тижорат банклари хизматлари ва операцияларини бошқаришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, уларнинг бошқаруви ва ривожланишидаги замонавий тенденциялар, банклар хизматлари ва фаолиятидаги инновацион бошқарув усуллари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасини яқин беш йилда барқарор тараққий эттиришда Ҳаракатлар стратегияси банк тизими учун ҳам янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар туфайли соҳада сезиларли силжиш ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг банклари фаолиятни ўзгартириш ва банк стратегияларини жорий этиш нуқтаи назаридан урта тенденцияни бошидан кечирмоқда⁴:


- 1) қайта тартиблаштириш (дерегуляция) ёки эркинлаштириш;
- 2) молиявий инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш;
- 3) глобалашув жараёнини эътиборга олган ҳолда миллий банкларнинг жаҳон молиявий бозорларига интеграциялашувини кучайтириш. Бу тенденциялар бир-бирини инкор этмаган ҳолда ўзаро алоқадордир. Банклар фаолиятини эркинлаштириш таъсирида депозитларга белгиланувчи фоиз ставкаларида чегараларнинг олиб ташланиши натижасида янги «молиявий инновацион» депозитлар учун тўланадиган ўзгарувчи фоиз ставкалари жорий этилмоқда. Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қўйидаги босқичлари мавжуд – янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

«Инновациялар» тушунчаси банк фаолияти соҳаларининг барчасида киритиладиган янгиликларга нисбатан қўлланиши мумкин ва уларга қўйидаги хислатлар хосдир:

- янги технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот янгилиги;
- бозор талабини қондириш;
- тижорат нуқтаи назаридан амалга ошириш.

Демак, инновацион банк маҳсулоти – янги ёки модификацияланган кўринишдаги маҳсулотлар ва уларни бозорда сотиш (амалга ошириш) кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир; инновацион фаолият янги ва модификацияланган маҳсулот ва/ёки уларни бозорда сотиш бораида технологик жараёнлар яратишдан иборат (1-расм).

⁴ Kent Mathews and John Tompson. The economics of banking. Third edition. »WILY», 2014.



1-расм. Банкларда молиявий инновацияларнинг яратилиш жараёни⁵.

Банкларнинг рискларни бошқариш борасидаги сиёсати унинг активлари ва пасивларини шакллантиришда ўзаро қарама-қарши бўлган ликвидлилик-фойдалилик ҳамда рисклилик кўрсаткичлари ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлашга қаратилиши лозим.

Глобаллашув жараёни банклар томонидан «хавфсизлик» муаммосини ҳал қилишга эътиборини кучайтирди. Умуман, «хавфсизлик» муаммоси иккита жараённи бирлаштиради:

1) банклар ўзларининг бозор активларини – уй сотиб олиш ва енгил машина қарзларини – қимматли қоғозлар бозорига йўналтиради. Хориж тажрибасида бу Asset-backed securities (ABS) деб аталади.

2) молиявий воситачиликка қарши бўлган жараён, яъни капитал бозорларидан тўғридан-тўғри қарз олиш ҳисобланади.

Тараққиёт шу тарзда давом этса, келгусида банкларнинг тузилиши ўзгариб, Лувеллен (1996) таъкидлаганидек, «контракт банклар» мақомини олади.⁶

Контракт банк кўп манбалардан келадиган рискларни инобатга олган ҳолда ҳар хил турдаги молиявий хизматларни «ягона ойнадан» таклиф этади, ҳамда универсал банк шаклида бир корхонада молиявий хизматларни ишлаб чиқаради. Биринчидан, у «виртуал банк»га ўхшаб кетади, аммо ундан фарқ қилади. Интернет «виртуал банк» хизматида корхонанинг анонимлиги истеъмолчининг ишончи йўқотилишига олиб келади. Контракт банкларнинг хизмат кўрсатиш ва банк операцияларини бажаришини қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-расм).




2-расм. Контракт банкнинг ташкилий тузилиши

⁵ Маллиф ишланмаси.

⁶ Kent Mathews and John Tompson. The economics of banking. Third edition. «WILEY», 2014. p.18

Тижорат банклари менежментида муқобил банк стратегиясини ишлаб чиқишда асосий эътибор ташқи муҳитни ўрганиш, жаҳондаги ва мамлакат ичкарасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва техникавий омиллардаги ўзгаришларни кузатиш ва эътироф этиш зарур. Иккинчи босқичда тижорат банкларининг ички ресурслари, имкониятлари ва потенциали таҳлил қилишиб банкнинг афзалликлари ва заиф жihatлари аниқланади ва кейинчалик банкнинг ривожланиш ва рақобат стратегияси қабул қилинади. Ўзбекистонда банклар филиаллари ва бўлимлари сони кўпайиши рақобатнинг кучайишидан далолат беради. Шу вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан банк операциялари ва хизматларини бошқариш функцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари мотивларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари қуйидагилардан иборат (3-расм):



3-расм. Тижорат банклари менежментида муқобил банк стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни⁷.

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Узоқ муддатли хизматларни бошқариш стратегиясини бозор талаблари ва ўз имкониятини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш.
2. Талаб асосида янги хизматларни жорий этиш ва уларни сотиш.
3. Банкнинг операцияларини (актив ва пассивларини) бошқаришни ташкил қилиш ва назорат ўрнатиш. Балансдан ташқари операцияларни жорий этиш учун ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
4. Бозорни ва мижозларнинг ҳатти-ҳаракатини сегментларга ажратган ҳолда ўрганиш ва истикболини аниқлаш.

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Қисқача қилиб айтганда, банк операциялари ва хизматларини бошқариш қуйидаги вазифаларни хал қилишга эътиборни қаратади:

1. Банк операцияларинг амал қилаётган ва потенциал бозорларини ўрнатиш.


2. Аниқ бозорларни танлаш ва буюртмачи эҳтиёжини қондириш.

3. Амал қилаётган операцияларнинг ривожлантирилиши учун узоқ ва қисқа муддатли мақсадларни белгилаш.

4. Амалиётга янги операцияларнинг турларини қўллаш ва унинг бажарилиши устидан банк назоратини ўрнатиш.

Бугунги кунда «молиявий хизматлар таркибида, бевосита банк хизматларининг улуши 88 фоизга етиб, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баробардан зиёдга ошди. Бу эса, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтириш борасида кўрилаётган мақсадли чора-тадбирларнинг самарасидир»⁸.

Банк бизнеси ва тадбиркорлигини бошқаришга янгича ёндашув нуқтаи назардан «Mc Kinsey» компаниясининг «7S» моделини қўллаш катта самара беради (4-расм).



4-расм. Тижорат банкларини замонавий бошқарув модели ва унсурлари⁹

Раҳбарларнинг 70 фоизга яқини мавжуд бошқарув тизими бошқарувчилик қарорларини тез қабул қилиш имконини беради, деб фараз қилади. Бундан келиб чиқиб, менежментнинг функционал жиҳатларидан энг устувор соҳалар ажратилган.

Раҳбарлар асосий салоҳиятни (мақсадлар аниқ, лекин имкониятлар кам); менежментнинг шакллантирилган тизимини (бизнес жараёнларининг оптималлаштирилиши ва такомиллаштирилиши); ҳар хил йўналишлар

⁸ Ўша ерда.

⁹ Муаллиф ишланмаси.


бўйича менежмент сифатини такомиллаштириш; менежментнинг намунали тизимини тавсия этадилар (1-жадвал).

1- жадвал

Корхона раҳбарларининг банк фаолиятини баҳолаши¹⁰

Баҳо	%
Жаҳон стандартларига мос келади	0,9
Жаҳон стандартларига мувофиқ келмайди	48,2
Жаҳон стандартларидан орқада	41,4
Банк балансидан ташқари операциялар ёки фаолият	4,4
Жавоб беришга қийналаман	5,1

Банк менежменти ҳам ҳар бир бизнес ташкилоти каби, албатта ўз миссияси, узоқни кўра билиш, мақсади, вазифалари, стратегияси ва тактикасига эга бўлмоғи лозим. Жумладан, «Давр банк» хусусий акционерлик тижорат банки учун миссиясини: «Биз аҳоли ва тадбиркорларга беғараз молиявий кўмак берамиз», келажакни кўра билишини (vision): «халқаро миқёсда фаолият олиб борувчи ва халқаро андозали тижорат банки бўлиш» мақсади эса: «барқарор ва иқтисодий самарали банкка айланиш», вазифаларини: «рақобатбардош ва рискка чидамли банк бўлиш», стратегиясини: «энг паст таннарх асосида фаолият олиб бориш», тактикасини: «рақобат ва кооперация асосида иш юритиш» ни таклиф этамиз (5-расм).



5-расм. Банк менежментининг функционал йўналишлари бўйича тақсимланиши¹¹

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

И.Ансофф бозорлар кўриниши ва товарларнинг турига кўра асосий тўртта стратегияни: бозорга чуқурроқ кириб бориш; бозор чегараларини кенгайтириш; янги товар ишлаб чиқариш ва диверсификацияни ажратиб кўрсатади¹². БКГ¹³ (Бостон Консалтинг Гуруҳи) нинг «ўсиш-бозор улуши» матрицаси асосида: хужум, мудофаа ва чекиниш стратегияларини қўллаш мумкин. М.Портер ихтисослашишни танлаш билан боғлиқ рақобатлашув устунликларини стратегиянинг уч турига, яъни харажат/ҳажм стратегияси; дифференциация стратегияси ва ихтисослашув стратегиясига ажратган.

Тадқиқотнинг «**Тижорат банклари барқарорлигини самарали бошқариш механизмлари**» деб номланган иккинчи бобида тижорат банкларида активлар ва мажбуриятларини бошқариш муаммолари, тижорат банкларида бизнес рискларни ўлчаш ва мониторинг қилиш усулларини такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятидаги хизматлар дифференциация ва диверсификацияси тадқиқ этилган.

Банкнинг мақсади активлардан кўпроқ даромад олиш ва дефолт рискини пасайтириш. Активларни бошқариш икки босқичдан иборат қарор қабул қилиш жараёни деб қараш мумкин. Биринчи босқичда кунлик миқдорлар банкдан маблағларни қайтариб олиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда хизматлар сонини аниқлаш. Қолдиқ активлар даромад келтирувчи маблағлар сингари қабул қилинади. Иккинчи босқичда банкнинг даромад келтирувчи маблағлари паст рискли, паст фойда келтирувчи счетлар ва юқори фойда келтирувчи қарзлар турига ажратилади.

Банк балансини қуйидагича тасвирлаш мумкин¹⁴:

$$Л+З=Д,$$

бу ерда: Л – қарзлар ҳажми;
З – банк захиралари;
Д – депозит маблағлар.

Маълум давр ичида банкда депозитлар оқимида чиқим ва кирим бўлади. Агар чиқимлар миқдори захиралар миқдоридан кам бўлса, банк ликвидлик муаммосига дуч келмайди. Акс ҳолда банк ликвидлик танқислигига учрайди ва унда у кўшимча фонд (маблағларни) банклараро бозор ёки Марказий банкдан жалб қилишга мажбур бўлади. Захираларнинг альтернатив харажатлари учун даромад келтирувчи активлар қаторидан жой олмаганлиги учун банкларнинг улардан фойда олиш имкониятидан воз кечганлиги билан ифодаланади. Хулоса қилиб айтсак, агар кўшимча ликвидлик маблағларини жалб қилишдаги маржинал харажатлар ортиб борса, нисбат камаяди, захиралар етарли бўлади. Агар даромад келтирувчи активлардан олинadиган фойда ортса, захиралар миқдори камаяди. Бошқача ифодаласак, депозит ва чиқимлар оқимини стохастик жараён деб, олиниб, у нормал тақсимот қонунига амал қилади.

¹² Ансофф И. Стратегическое управление / Пер.с.анг.- М.: Экономика,1989 186 с.

¹³ Бостон консалтинг гуруҳи.

¹⁴ Kent Mathews and John Tompson.The economics of banking.Third edition. «WILY», 2014.pp.104-106

Активлар менежментидаги асосий муаммо банк қандай қилиб активлар тузилмасини шакллантиради ёки бошқача айтганда, юқори рискли-юқори даромадли ва паст рискли, паст даромадли активларни тақсимлайди.

Иккинчи муаммо rischi йўқ ва рискли активларни шакллантиришдир. Бошқача айтганда, активлар менежментида учта муаммони уйғунлантириш, яъни қарзлар қайтими ва хавфсизликни таъминлаш, рискларни пасайтириш ва етарлича ликвидликка эришишдир.

Банк тизимининг ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг жами капитали 2016 йилда 20,1 фоизга ўсиб, 2017 йил 1 январ ҳолатига 9,4 трлн. Сўмни ташкил этди (2- жадвал).

2 - жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг жами капитали, депозитлари, активлари ва кредит қўйилмалари динамикаси(трлн.сўм)¹⁵

Йиллар (1 январ ҳолатига)	Жами капитали	Жами депозитлар	Аҳоли омонат қолдиғи	Жами активлари қолдиғи	Кредит қўйилмалари
2012	5,4	13,2	4,4	20,7	11,5
2013	6,2	18,0	6,2	27,4	15,7
2014	6,5	22,6	26,5	35,4	22,8
2015	6,9	26,1	43,9	56,2	34,8
2016	7,8	35,6	61,4	65,2	42,7
2017	9,4	44,6	73,4	80,4	53,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, банк активлари 2012 йилда 53 млрд. сўмдан 2016 йил 423 млрд.га кўпайган, шу давр ичида депозитлар миқдори 10 бараврдан ортиқ кўпайди. Бу эса аҳоли ва ташкилотларнинг банкка ишончи ортганлигидан далолат беради.

Жаҳон тажрибасида Марказий банк ва бошқа тартиблаштирувчи агентлар тижорат банкларини иккита кўрсаткич орқали мониторинг қилади.

1. Тараққиёт коэффициенти (gearingratio);
2. Капитал –активлар rischi коэффициенти.

Базель комитети томонидан *Базель III* деб номланган банкларни назорат қилиш қондасига биноан юқоридаги коэффицентлардан ташқари яна янги иккита кўрсаткич киритилди. Улар банкларнинг ликвидлилик ҳолатини акс эттиради. Биринчи кўрсаткич ликвидликни қоплаш коэффициенти бўлиб қисқа муддатдаги банк ҳолатини ифодалайди.

¹⁵ www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

$$LR = \frac{\text{юқори ликвидли активлар}}{30 \text{ календар кундаги соф нақд пулларнинг чиқими}}$$

У 100 фоиздан юқори бўлмоғи ва доимо шундай бўлишини тақозо этади. Иккинчи кўрсаткич соф барқарор фонд билан таъминланиш заруратини англатади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$LR = \frac{\text{барқарор фондларнинг мавжудлиги}}{\text{талаб қилинган фондлар миқдори}}$$

Бу кўрсаткич ҳам 100 % дан юқори бўлиши лозим.

Фикримизча, тижорат банкларида активларни самарали бошқаришни банк пасивларини бошқариш жараёнига эътибор қаратмай, амалга ошириш мушкул. Банк ҳисобланган фоиз харжатларини қоплашда банклардан мазкур жалб қилинган маблағларни самарали актив операцияларига йўналтириш зарурати туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/2-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомга мувофиқ, банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш талаби белгиланган. Бироқ рискларни бошқариш сиёсатининг устувор йўналишлари, рискларни бошқариш стратегиялари, шунингдек, тактик чоралари бўйича аниқ талаб ва кўрсатмалар белгиланмаган.

Фикримизча, мамлакатимиз банк амалиётида операцион рискларни баҳолашни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этиш мумкин:

баҳолаш ва таҳлил қилишнинг сифат усулларини ривожлантириш йўли билан рискларни ўлчаш усулини такомиллаштириш.

баҳолаш объектини кенгайтириш йўли билан рискларни баҳолашни такомиллаштириш. Кредит фаолиятининг асосий операцион рискларидан бири сифатида ходимлар малакаси ва банк жараёнлари сифатини баҳолаш ва таҳлил қилишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

